

“O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI” AJ
акциядорларининг
2016 йил 30 июнда ўтказилган
умумий йиғилишида
«ТАСДИҚЛАНГАН»
Умумий йиғилиш раиси

_____ **М.К.РАДЖАПОВ**

“O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI” AJнинг
кузатув кенгаши тўғрисида
НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва “O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI” акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва мазкур Низом “O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI” акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган.

1.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши сайланувчи 9та аъзодан иборатдир.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- қонуннинг 8 ва 9 – бобларида (йирик битим ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битим) назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондидан (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қонуннинг 34 – моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи раҳбари (Бош директор) билан шартнома тузиш, у билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш, Бош директор ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият Бош директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет элик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилишни, жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

3.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

3.2. Ижроия органи аъзолари ва жамиятда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар Кузатув кенгаши аъзолари сифатида фаолият юритиши мумкин эмас. Жамият Кузатув кенгашига ушбу жамиятнинг акциядорлари бўлмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

3.3. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

3.4. Кузатув кенгашига сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

3.7. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар Кузатув кенгаш таркибига сайланган деб ҳисобланади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШ РАИСИ

4.1. Жамият Кузатув кенгаши раиси, Кузатув кенгаш аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгашга сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилики овози билан сайланади.

4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилики овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

4.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси, унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаш мажлисларини чақиради ва унга раислик қилади, мажлисларда протокол юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

4.5. Кузатув кенгаш раиси, ижроя орган — директор билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгаш раисининг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаш, тафтиш комиссияси аъзоси ёки аудиторнинг, жамиятнинг ижроя органи, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг уставида Кузатув кенгаш мажлисини чақириш ва уни ўтказиш тартиби белгиланади. Кузатув кенгаш мажлиси, қоидага кўра, йил чорагида камида бир марта тўпланади.

5.2. Кузатув кенгаш йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, лекин у Кузатув кенгашига сайланган аъзолари умумий сонининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.3. Кузатув кенгаш аъзолари сони уставда назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлиб қолган ҳолларда Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун жамият акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақиришга мажбурдир. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши мажлисидаги қарорлар, агар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда ва жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашаётганларнинг кўпчилики овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

5.5. Жамият Кузатув кенгаши бир аъзосининг овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.6. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

5.7. Мажлис баённомасида қуйидагилар акс эттирилади:
мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
мажлисининг кун тартиби;
овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
қабул қилинган қарорлар.

5.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
Кузатув кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашда ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пулини олиш.

6.2. Кузатув кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Кузатув кенгаш раиси томонидан Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан жамият Кузатув кенгаши аъзоларини кенгаш аъзолиги вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатларни қоплаш ёки мукофотлаш мумкин.

6.3. Кузатув кенгашининг жамият битим тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув кенгашга битим тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битим тўғрисидаги қарор эса Кузатув кенгаш томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатув кенгаш аъзолари ёки бундай

манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.4. Кузатув кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр – хотинлари, ота – оналари, болалари, ака – укалари, опа – сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари:

бунда битимнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

битимларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар:

битим томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

6.5. Кузатув кенгаш аъзолари Кузатув кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.6. Кузатув кенгаш аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулки ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7. Кузатув кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

“O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHII” AJ

Умумий йиғилиш котиби

М.З.Юсупова